Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 30 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 33 (6929)

Da'vat

Улки буюруб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.

А. Навоий.

Ibrat

Яқинда Жиззах туманп ҳокимлиги таппаббуси билан Шараф Рашидов номли ширкатлар уюшмасида истиқомат қилаётган 6 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат туйлари утказилди. Туйда туман ҳокими Парда Шукуров туй болаларга банкда ҳисоб рақами очилган омонат дафтарчаларини топширди.

Tajriba, sinov, natija

МАКТАБДА ОТА-ОНАЛАР ЖАМҒАРМАСИ

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Унинг ҳаёти фақатгина таълим-тарбия жараёни билангина чекланиб қолмайди. Зеро, бу масканда келажагимиз бўлмиш фарзандларимиз дунёвий билимлар олиш билан бирга хулқу одоб, меҳру оқибат, асл инсоний фазилатларга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбияланади. Модомики, мактабларимиз олдида ана шундай шарафли ва масъулиятли вазифалар турар экан, мактаб ва оила ҳамкорлиги бугунги кунда қанчалик муҳимлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Бу борада биз ота-оналар қандай йўл тутишимиз лозим, нималар қилишимиз, ўз олдимизга қандай талаблар қўйишимиз керак? Тўғри, аксарият ота-оналар фарзандлари ўқиётган мактабларга тез-тез бориб, мажлисларда иштирок этишар, ўқитувчилар билан мулоқотда бўлишар, буларнинг барчаси яхши, албатта. Лекин, камина масаланинг бошқа томони хусусида тўхталмоқчиман, яъни ҳақиқий ва амалий ҳамкорлик устида. Ўзингиздан қолар гап йўқ, қуруқ гаплардан баландпарвоз шиорлардан амалий ишга кўчиш ва муайян натижаларга эришиш даври талабига айланди.

Келинг, яхшиси, сизларнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингизни билиш мақсадида қуруқ гаплардан йироқ бўлайликда, ҳақиқатга ўтайлик. Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги 260-мактабга 1986 йилда бош фарзандимиз биринчи синфига боргандан буён вақт топилди дегунча бориб, ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва мактаб маъмурияти билан мулоқотда бўлиб турардим. Мактабнинг серқирра ҳаёти, ундаги муаммолар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини мажлисларда муҳокама қилардик. Шунга ҳам қарийб тўқиз йил бўлибди. Лекин, амалий фаолият, муайян натижалар сезилмасди. Бу орада қандай буюк тарихий ўзгаришлар бўлиб, истиқлол шарофати билан юртимизда қандай улкан саъй-ҳаракатлар бошланиб кетганлиги сизларга сир эмас. Айнан шу даврдан бошлаб мактабларимиз билан ҳар бир оила ўртасида ҳақиқий ва тўлақонли ҳамкорликка бўлган эҳтиёж янада кучайди. Буни биз ота-оналар ўз мактабимиз мисолида яққол ҳис қилардик ва сезардик. Нима қилиш керак, нима қилсак, мактабимизнинг серқирра ҳаётидаги муаммоларнинг ижобий ҳал бўлишига кўмаклаша оламиз, бизларга шу савол тинчлик бермасди. Шундан кейин мактаб маъмурияти билан келишган

(Давоми 3-бетда).

САНЪАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Яқинда Тошкентдаги Республика ўқувчилари техник ижодиёти марказида Марказий Осиё кинофото ҳаваскорларининг фестивали бўлиб ўтди.

Республика Халқ таълими вазирлиги, Улуғбек жамғармаси ҳомийлигида ўтказилган фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, лицейларнинг 120 нафар иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди.

Ўқувчилар дастлаб кино санъати ва фото санъати гуруҳларига бўлинган ҳолда тест саволларига жавоб қайтаришди, ўз қўллари билан суратга олган ва тайёрлаган фильмларни ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳукмига ҳавола этишди.

Кўрик-танловга қўйилган фильмлар 10 минутли бўлиб, 16 ёки 18 мм плёнкага олинган бўлиши шарт эди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари эса кўрик-танлов қатнашчилари ишларини кўриб чиқиб, умумкоманда ҳисобида баҳоладилар.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ажратилган махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

СУРАТДА: анжуман иштирокчилари Андижон шаҳридаги 6-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчилари А. Ҳожиматов ва С. Арубеков олган «Ёш уста» суратини кўриб турибсиз.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида амалдаги йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалага бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

⊛ Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнига, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга фаол кўмак кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро шу йил 2—4 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

⊛ Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлари кенгашида шу йил сентябрь ойида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида кўп миллатли кучлар иштирокида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудида ўтказиладиган «Марказийосиёбат — 97» машқлари лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилди.

⊛ Россия ўз ихтиёридаги ядро каллакчаларини деярли ярмини йўқ қилиб, натижада олинган тўрт юз тоннадан зиёд юқори даражада бойитилган уранни АҚШ га сотмоқчи.

⊛ Жаҳоннинг бир юз олтмиш давлати имзо чеккан кимёвий қуролларни тақиқлаш ва йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро шартнома кучга кирди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Яқинда Амударё тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги боғчаларда олинадиган ойлик тўлов 150 сўм миқдорида белгилаб қўйилган эди. Энди эса Эллиққалъа тумани ҳокими Амин Тожиевнинг ташаббуси билан ушбу туманда ҳам болалар боғчаларидаги бадал пули кескин камайтирилиб, боғчаларга сарф этиладиган маблағлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Г. ОЛЛАБЕРГЕНОВА.

«Vatan tuyg'usi»ni o'rganamiz

КИТОБНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

1991 йил 31 августига қадар маънавият бобида шундай таназзулга келиб қолган эдикки, диний тарбия, миллий онг ва ғурур, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси каби тушунчалар бизга бегона бўлиб келди. Мустақилликнинг илк кунидан маънавиятга эътибор қаратилишининг сабаби ҳам шунда эди. Маънавият ва маърифатга бўлган эҳтиёж туфайли Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраевлар «Ватан туйғуси» номли китобни яратишга қўл уришганди. Китоб босмадан чиққач, кенг жамоатчиликка, айниқса, муаллимларга жуда маъқул бўлди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 105-мактабда «Маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда ҳуқуқий тарбия ва маънавиятнинг ўрни» мавзуида бўлиб ўтган тарих, ҳуқуқ ва тил-адабиёт ўқитувчиларининг шаҳар анжуманида ҳам шу хусусда сўз юритилди. Муаллифлардан бири А. Иброҳимов йиғилганларга китобнинг яратилиши, «Бир шода марварид», «Теран томирлар», «Истиқлол шижоати» каби қисмлари, ундаги айрим боблар, жумладан, сўз, гап, ор-номус, виждон, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси каби мавзулар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Анжуманда Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини, ТШХТББ бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев «Ватан туйғуси» китобининг зарур қўлланма эканлигини, ундан барча фанларда, айниқса, «Одобнома» дарсларида фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган «Ватан туйғуси» номли адабий-бадиий композиция, шунингдек, «Мустақиллик барқарор» мавзуидаги очиқ дарс ҳам мазмундорлиги билан анжуман қатнашчиларида фикр уйғота олди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Маърифат»нинг жамоатчи мухбири.

ИНСОН ЎЗ ФАРЗАНДИ ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛ

3-бет.

Yangilik

ҚУРУҚ ҲАВАС БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Ҳозир тиббиёт соҳасида энг долзарб муаммолардан бири ўрта тиббий таълим соҳасида малакали ҳамширалар тайёрлашдан иборат.

Шу кунларда Республикамиздаги тиббиёт билим юртларида, келгуси ўқув йилидан бошлаб «Ҳамширалик иши универсали» деб номланган янги мутахассислик очилишига катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Шу муносабат билан Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти директори, Республика тиббиёт билим юртлари директорлари кенгашининг раиси Турсунхон УМАРОВА билан суҳбатлашдик:

— Турсунхон Юсуповна, янги очиладиган мутахассисликдан асосий мақсад нимадан иборат?

—Мен ўтган йили Швецияда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳамширалик иши бўйича ўтказилган кенгашда иштирок этдим. Шу баҳона чет давлатлардаги ҳамширалар тайёрлаш жараёнини чуқур ўрганиб чиқдим. У ерларда мутахассислар савияси, билимдонлиги, маданияти, беморлар билан ҳамширалар орасидаги муносабат, очиғи, менда ҳайрат ва ҳавас уйғотди. Албатта, қуруқ ҳавас билан иш битмайди. Амалий ҳаракат зарур. Шу мақсадда ўзимизнинг тиббиёт билим юртида, вилоятлардаги 13 та тиббиёт билим юртларида «Ҳамширалик иши универсали» деб номланган янги мутахассислик очишни мақсад қилдик. Бу 4 та мутахассислик, фельдшер, санитар-фельдшер, фельдшер-лаборант ва ҳамширалик иши ўзида мужассамлантирган.

— Бу йўналиш бўйича ўқувчилар неча йил таҳсил олишади. Уларнинг таҳсил жараёнида қандай ўзгаришлар бор?

— Ҳамширалар учун ўқиш муддати 1 йилу 10 ой. Янги мутахассислик бўйича эса 3 йил ўқитиш белгиланмоқда. 1996 йилнинг апрель ойида «Ҳамширалик иши универсали» мутахассислигига мўлжалланган янги ўқув режалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди. Унга кўпгина янги фанлар киритилди. Тиббий биофизика, компьютер асослари, лаборатория ва функционал текшириш усуллари, бошқариш ва статистика, ҳамширанинг иш юритиши, электрон-тиббий техника, горонтология, онкология ва гигиена фанининг барча турлари ва ҳоказо.

— Мутахассисликка қанча ўқувчи қабул қилмоқчисизлар?

— Бу мутахассисликка 11-синф ҳажмидаги 325 та ўғил-қизлар қабул қилинади. Бироқ танлов жуда қатъий тест синови усулларида олиб борилади.

— Бўлажак ҳамширалари замон талаби даражасида тайёрлаш учун келгусида яна қандай режалар кўзда тутиляпти?

— Режалар талайгина, жумладан ҳамширалик иши бўйича бўлажак мутахассисларга олий таълим бериш. Бу Республика миқёсида ўрта таълим соҳасидаги ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ, албатта. Бундан ташқари, ўқитувчиларни юқори даражада тайёрлаш, ҳамширалик иши менежерларини тайёрлаш, илмий изланишлар олиб бориш...

Суҳбатдош
Насиба МУҲИБОВА.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Куни кеча пойхтахтимиздаги 76-ўрта мактабда юқори синф ўқувчилари билан ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари ўртасида «Жиноят жазосиз қолмайди» мавзуида жонли мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда Шайхонтоҳур туман ҳокимияти қошидаги балоғат ёшига етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Бахтинисо Пўлатова, «Ўқчи» маҳалласидан Ҳикмат Ҳасанов, шу мактаб нозири, милиция лейтенанти Собир Тўраевлар иштирок этишди. Тадбирда асосан бугунги ёшларнинг одоб-ахлоқ масалалари, шунингдек ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишининг туб илдизлари хусусида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Тадбир мавзунинг долзарблиги учун ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

«КИЧИК АКАДЕМИЯ»

Музработ туманидаги 11-лицей-интернатда ўзбек ва инглиз тилларини чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш билан бирга илмий иш қилишга иштиёқманд ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида «Кичик академия» ташкил этилган. Унга иқтидорли йигит-қизлардан 39 нафари аъзо.

10 кишидан иборат кенгаш аъзолари бўлажак олимларнинг турли мавзуларидаги изланишларини ҳар уч ойда бир марта ўтадиган йиғилишларида муҳокама этишади. Маслаҳатлар беришади. Ушбу йиғилишда ўз мавзуларини муваффақиятли ҳимоя қилганларга эса «илмий ходим» унвони ва тегишли ҳужжат берилади.

Кенгаш аъзолари ичида Термиз давлат университети профессорлари Ж. Омонтурдиев, К. Авлиёқуловлар ҳам бор. Бундай тадбирлар лицей ўқувчиларини нафақат олий ўқув юртларига киришга, балки фан соҳасида изланишлар олиб боришга ҳам замин ҳозирламоқда.

Н. ТОЖИМУРОДОВ.

ШОДИЁНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўлкамизда баҳор. Унинг такрорланмас гўзаллиги қалбларга жўшқинлик, чеҳраларга табассум бахш этиб, Наврўзни етаклаб юрибди. Республикамизнинг барча муассасаларида Наврўз байрами кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Жумладан, Наврўз шодиёнаси Ангрен Ўзбек-турк лицейида ҳам нишонланди. Вилоят ва республика олимпиадаси ғолиблари, жаҳон олимпиада қатнашчилари ва уларнинг ўқитувчилари лицей маъмурияти томонидан тақдирландилар.

Тақдирлаш қисмидан сўнг байрамнинг бадиий қисми бошланди. Унда лицей толиблари ва ҳамкор 6—13-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш этилди.

Лицейда тайёрланган миллий таомлар: сумалак ва палов байрам дастурхонига янада кўркамлик ва тўкинлик бахш этди.

Тоҳир ВАҚҚОСОВ.

ҚУШИҚЛАР БАЙРАМИ

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бўлиб ўтди. Таълим муассасалари жамоаларининг «Қушиқлар байрами» утказилди. Ушбу байрам қатнашчиларини даставвал Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Атамуратов табриклади. Дилрабо куй-қушиқлар билан ўтган байрамда биринчи ўринни Мўйноқ тумани ХТБсининг хор жамоаси, иккинчи ўринни Нукус шаҳридан Мамбетниёзова, учинчи ўринни олиш бахтига эса берунийлик Юлдуз Тожибоева мушарраф бўлди.

Байрам сўнгида ғолибларга ҳомийлар томонидан пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Г. ОЛЛАБЕРГЕНОВА.

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТАНАФФУС

1947 йили Перунинг Кальяо портидан елканли «Кон-Тики» кемасида Тинч океанини сузиб ўтишга бошчилик қилган норвегиялик Тур Хейердал 83 ёшга тўлди. У Осло шаҳрида саёҳатнинг 50 йиллигини нишонлаш тантанасида қатнашди. Ўтган йили Антарктидани биринчи бўлиб чанғида кесиб ўтган сайёҳ ҳам норвегиялик Борге Оусланд эди. У 2829 минг километр масофани ёлғиз ўзи 64 кун давомида босиб ўтган эди.

ХЕЙЛ ВА БОПП

Буюк Британиядаги ҳайвонот боғларидан бирида туғилган эгизак альпако жониворларини асримизнинг энг ёруғ кометаси шарафига Хейл ва Бопп деб аташди. Альпако Калиманжаро тоғларининг баланд қояларида яшайди ҳамда ажойиб жуни учун кўпайтирилади. Хейл-Бопп кометаси эса ҳозирча Ердан 200 миллион километр масофада бўлиб, шу ҳолатга яна роппа-роса 2300 йилдан сўнг қайтиб келади.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

ИШҚИБОЗ ИХТИРОЧИ

Германиялик инженер Дирк Грюлих Марс сайёрасида юришга мослаштириб ясаган машина пойабзал қутисидек келиб, секундига бир миллиметр масофани босиб ўтади ҳамда кабель орқали кемадан озиқ-овқат олиб туради. Ихтирочи Марсни ўрганишга қизиқиб кетганлиги сабабли машинасини барча зарур жиҳозлар билан таъминлаган. Унинг шу томонлари француз Клод Ивикелга ўхшаб кетади. Женевадаги кашфиётчиларнинг 25-халқаро кўргазмасида унинг намойиш этган автомобили узунига 3, энига 1 метр ҳамда хоҳ бензин, ҳоҳ газ ва ёки электр токи ёрдамида ҳаракатланади.

ОҚ ЙЎЛБАРСЛАР

АҚШнинг Флорида штатидаги «Йўлбарс нигоҳи» фирмасида туғилган эгизак оқ йўлбарсларнинг оғирлиги 170 грамм, уларнинг отаси эса 300, онаси 140 килограмм келади. Эгизаклар фирмадаги йўлбарслар сонини 62 тага етказди. Асримизнинг 50-йилларида Ҳиндистонда топилган оқ йўлбарслар ноёб жониворҳисобланади. Уларнинг туси оппоқ бўлиб, бадани худди зебраникидек йўл-йўл қора чизиқлар билан қопланган. Қушдай енгил жониворларнинг вақти келиб юзлаб килограммга етишига ишонмайсан баъзан.

ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

Юқори Чирчиқ туманидаги барча мактабларнинг директорлари Ковардон қишлоғидаги 3-мактабда кенгаш ўтказишди. Кенгаш иштирокчилари ўқув-тарбия ишларини янада ривожлантириш, маърифат ва маънавиятимизни ёш авлод руҳига чуқурроқ сингдириш масаласида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Улар 3-мактаб ўқитувчиларининг дарс ўтиш усулларини, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган хизматларини кўриб чиқишиб, намунали деб топишди.

— Ўқувчиларнинг ҳар томонлама мукаммал илм эгаллаб, камол топишларида ҳали ёш бўлса-да жамоага бош бўлиб келаётган тиришқоқ, изланувчан мактаб директори Акром Умархўжаевнинг хизмати каттадир, — дейди ёши улуғ ўқитувчилар.

Кенгашда ўқитувчилардан С. Аҳмедова, И. Ёқубова, М. Омилбоева, М. Эрматова, М. Урмоноваларнинг ҳам дарс бериш жараёнлари аъло баҳоланди.

Йиғилиш сўнгида ўқувчилар Амир Темур бобомизнинг туғилган кунига бағишлаб адабий саҳна намойиш этдилар. Ўқувчилардан Г. Тошева, М. Ёқубова, М. Мирзахалиловлар ижро этган саҳна кўринишлари меҳмонлар томонидан юқори баҳоланди. Кенгаш охирида туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Норматов сўзга чиқиб, шундай семинарлар ҳар бир мактабда ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмаслигини айтиб ўтди.

С. ҲАСАНОВА,
ўз мухбиримиз.

«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ» ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти маданият саройида шаҳар туманлари болалар боғчалари тарбиячиларининг «Йил тарбиячиси» шаҳар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Анжуманда Шайхонтоҳур, Акмал Икромов, Миробод, Юнусобод, Чилонзор ҳамда Сирғали туманларидаги болалар боғчалари тарбиячилари иш тажрибаларидаги янгиликлар бўйича беллашиб, ўзларининг билимдон, ҳозиржавоб, тадбиркор, ижодкор ҳамда актерлик маҳоратларини чуқур очиб бердилар.

Миробод туманидаги 174-болалар боғчаси тарбиячиси Гулчеҳра Дустматова «Йил тарбиячиси» кўрик-танлов ғолиби бўлди. Мирзо Улуғбек туманидаги 193-болалар боғчаси тарбиячиси Дилбар Каримова иккинчи, Шайхонтоҳур туманидаги 342-болалар боғчаси тарбиячиси Умида Юсупова эса учинчи ўринни олдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчилари ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Д. ХЎЖАЕВА.

Hunar — zar

КЕЛАЖАК ОЙДИН КЎРИНГАЧ...

Ҳозир замон режа билан иш тутганнинги бўлиб қолди. Эскидан қолган чама билан иш кўраётганлар қаерга қараманг чув тушиб ётибди. Оқтош шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейи ҳам замон билан ҳамқадам одимлашни айнан шундай пишиқ-пухта режа тузиш билан бошлади. Ўқув-моддий база қувватини сарҳисоб қилиб, бир талай ҳунар ва касб ўргатиш имкониятлари борлигига ишонч ҳосил қилгач, тайёрланажак кадрлар ишлаши мумкин бўлган корхона-ташкилотлар эҳтиёжи ўрганилди. Ҳаттоки улар билан шартномалар имзоланди. Унда 1997 йилдан бошлаб 2000 йилгача бўлган даврда корхона ёки ташкилотнинг кадрлар сони аниқ кўрсатилган буюртмаси ҳамда лицейнинг ушбу кадрларни тайёрлаб бериши, уларнинг сифат кафолатини берувчи масъулияти акс этган. Ҳозирда бундай шартнома 4 та йирик уюшма, жамият ва хусусий фирмалар билан тузилган.

— **Лицейимизда 634 нафар ўқувчи 14 мутахассислик бўйича таълим олмоқда,** — дейди директор Юсуф Бердиев. — **Шароитимиздан нолийдиган жойимиз йўқ. Имкон қадар ўқувчиларга ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини пухта ўргатиш жамоамизнинг кундалик асосий ишига айланган.**

Ўйлаб қаралса, биргина икки томонлама шартнома тузишнинг ўзи иш маромига қанчалик таъсир этишини илғаш мумкин. Нега деганда, биринчидан, кадр тайёрловчининг масъулияти ошиб, ҳақиқатан ҳам маълум бир касбга ёки ҳунарга мойиллиги бор йигит-қизни танлаб олади. Иккинчидан, корхона ёки ташкилот ўз буюртмасига асосан тайёрланган кадрни иш билан таъминлаш кафолатини беради. Натижада ўқувчи ўз келажагини ёрқин кўра туриб, ишонч билан илм олиб, касб-ҳунар ўрганади. Лицейнинг ўқув устахоналарини кўздан кечирар эканмиз бир нарсанинг шоҳиди бўлдикки, бу ерда илм билан амал уйғунлашиб, мавҳумликдан моддийликка ўтиш жараёнини бемалол кузатиш мумкин. Ўқувчи-кулоллар тайёрлашаётган кўзачалар, чойнагу пиёлалар, пойафзалчилар тиккан турли-туман оёқ кийимлар, зардўзлар қўлида жилоланган миллий кийимлару шоҳи сўзаналар — бари-бари моҳир усталар қўл меҳнати маҳсули.

Лицейда ҳисобчи-оператор, ҳисобчи-назоратчи, ҳисобчи-сотувчи, ошпазлик, радиомеханиклик, сартарошлик каби касблар ҳам ўргатилади. Улар ҳам барча қулайликларга эга махсус синфхонада таълим олишмоқда. Умуман олганда замон талаблари асосида жиҳозланган 23 та фан кабинети, 7 та устахона, 1 та тажриба ўтказиш хонаси, спортзал, кутубхона, 170 ўринли ётоқхона ва ошхона ўқувчиларнинг касб ўрганиб, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун муҳайё.

Республикамизда кадрлар тайёрлаш масаласи жиддий қўйилаётган айни замонда, шу талабга лаббай деб жавоб бераётган бундай лицейлар, касб-ҳунар мактаблари ўз ҳудуди доирасида ноёб соҳа эгаларига бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим омил саналади.

А. РАҲИМОВ.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Buxoroning 2500 yilligi oldidan

УМРБОҚИЙ ТАЪЛИМОТ

Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ҳамда Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илғор оқим бўлмиш нақшбандия тариқати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) номи билан боғлиқдир. Нақшбанд 1318 йилда Бухоро яқинидаги Касри Хиндувон қишлоғида туғилади. Ёш Баҳоуддин Сайид Амир Кулолдан таълим олган. «Рашаҳот» асарида ёзилишича, Сайид Амир Кулол ва Абдухолиқ Ғиждувонийларга Бухорои шарифда Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари таълим берганлар, сўнгра мазкур мутасаввифларга комил ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, узларининг она диёри бўлмиш — Туркистонга қайтиб келганлар.

Шарқшунос Е. Э. Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Нақшбанд умр бўйи деҳқончилик билан, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экиб кун кечирган. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган, уйида хизматкор ҳам бўлмаган.

Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз ҳоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган, топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмронлардан доимо узини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилиб яшамаган. У киши ҳаётлари давомида эл-юрт эътиборига лойиқ қўплаб эзгу ишлар қилганлари боис халқ эъзозига сазовор бўлганлар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бизда энди-энди бошланаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Чунки ўтган даврлардаги ҳукмрон мафкура бунга йўл қўймасди. Бироқ у мафкура ҳар қанча қарши курашмасин, қанчалар тақиқу таъқиблар қилмасин, халқ хотирасида, кишилар қалбининг тубтубида бу азиз ватандошимизга бўлган эъзозу эътиқод йўқолмади, билиб-билмай, моҳиятига етиб-етмай бўлса ҳам, бу авлиёуллоҳ руҳи поклариға ҳурмат отадан ўғилга, онадан қизга ўтиб, бизнинг шу маънан ёруғ кунларимизгача етиб келди.

Ул зоти шарифларининг ҳаётлари-ю аъмолларидан тўла ва атрофлича бохабарлик мусулмон маданиятига дахлдорлиги бор ва уни ҳурмат қиладиган ҳар бир кишининг бурчи даражасига кўтарилди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида, китобларда ёзиб қолдирилганидан ташқари, халқ хотирасида ҳам бир талай ривоятлар сақланиб келяпти. Шундай ривоятлардан бирида айтилишича, Баҳоуддин ҳатто жўфти ҳалоллари ёпган нонни ҳам емас эканлар. Хўш, нега? Чунки, ахир шу нонни ёпаётганда хотинлари рози бўлиб меҳнат қилганми ё кўнглидан: «Эрим учун куч сарфлаб, нон ёпяпман-а...», — деган фикр кечганми? Ҳамма гап ана шунда! Бу ақидага кўра, ҳатто жўфти ҳалолингиз ҳам қилган хизматига агар заррача норози бўлса, бу нон сиз учун ҳалол эмас, дерканлар ҳазрат. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари буғдой экиб, уни ўзлари суғориб, ўзлари ўриб, ўзлари хўп қилиб, ўзлари янчиб, ўзлари хамир қориб, ўзлари нон ёпиб еганлар... Ҳаётта, ҳалолликка, меҳнатга муносабатда қанчалар инсоний юксакликка кўтарилган эдилар, у зоти шариф.

Ҳар бир халқ турмуш маданиятининг даражаси аёллар меҳнатининг қай даражада камайтирилгани билан улчанади, десак хато бўлмас. Бизда эса бу ғоя Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари томонидан XIV асрдаёқ кун тартибига қўйилган экан. Аммо кундалик турмуш кечиришимиз учун ҳозир ҳам хотин-қизлар оғир ва масъулиятли меҳнат қилишга мажбур. Баҳоуддин Балогардон ҳақларидаги ана шу биргина ривоят ҳам эркакларга аёлларнинг уй-рўзғор ишларини иложини топқунлик қадар камайтириш чораларини кўриш лозимлигини уқтиради. Бунинг учун эса газлаштириш, электрлаштириш, автоматлаштириш каби уй-рўзғор ишларининг замонавийлашувига эришиш керак. Ундан ташқари қадим маданият соҳиби бўлган бир халқ вакиллари ўлароқ ҳар биримиз ўз меҳнатимиз ва ширин сўзимиз билан бўлса ҳам қиз-аёлларнинг оғирини енгил қилиш тадоригида бўлишимиз керак. Чунки: «Инсон инсонга қул эмас!» Нақшбандия ана шундай таълим беради.

Демак, инсоннинг ўзи-ку банда («Банда» — боғланган, яъни худога қул дегани) яъни Оллоҳнинг қули бўлса, у яна қандай қилиб бировни ўзига қул қилиб олади? Ахир одамнинг одамга ҳукмронлик, яъни ҳожалик қилиши бандалик ақидасига тўғри келадими? Бу суфий учун ҳожалик даъвоси бўлиб қолмайдими? Инсоннинг инсонга ҳожалик қилиши зимдан ҳудолик даъвоси эмасми? Ахир, инсонга ҳужайинлик қилиш фақат Оллоҳгагина хосдир. Нақшбандия таълимотида бу масала ана шу тариқа ойдинлаштирилади.

Биз ҳозир коммунизмнинг инқирозга учраган даврида яшаяпмиз. Тўғри, коммунизм дастлаб ана шу инсоннинг инсон тарафидан эксплуатация қилинишини йўқотиш истаги билан майдонга келган эди. Аммо эксплуатация асосида тараққий этиши исботлаб берилган капитализм аслида инсоният ижтимоий тараққиётининг табиий бир оқими ўлароқ тадрижий асосда пайдо бўлган. Уни инқилобий йўл билан йўқ қилиб, дунёда орзудагидек жамият яратиб бўлмаслигини ҳаёт, яъни социализмнинг таназзули тасдиқлади. Бироқ, нақшбандия тариқати ақидаларидаги одилликка эришиш ғояси ҳозир ҳам керак. Чунки у коммунизмча одилликдан тамоман фарқ қиладиган. Бу фарқ шундан иборатки, коммунизм жамиятни ёппасига — бирданига ўзгартирмоқчи, ҳамма одамларни бирданига тузатмоқчи, бунинг учун инсониятга асрлар мобайнида яратган тузумни бирданига йўқ қилиб ташлаб, урнига «луп» этиб янги, орзудагидек тузумни яратмоқчи бўлди ва хато қилди. Бунда энг асосий жиҳат — инсон омили ҳисобга олинмади. Одамга одам деб эмас, қул деб, ҳатто, сиёсат қўлидаги жонсиз буюм янглиғ қаралди.

Нақшбандия ғоялари эса жамиятни ялпи ҳолда ўзгартиришга эмас, балки якка-якка шахсларни тарбиялашга, ҳар кимнинг узини ўзи камолга етказишга қаратилган. Албатта, беш қўл баробар эмас. Ҳамма бирдек инсофга келмайди ҳам. Бироқ агар нақшбандия таъсирида бир неча минг ёки миллион одам адолат мезонлари билан ҳалол меҳнати асосида яшашга ўтса ҳам, жамият ютадику! Бу айни пайтда жамият ҳавосининг мусаффолигига олиб келади-ку!

Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нақшбандия тасаввуфидаги илғорлари амалда бўлган қаттиқ оқимни бир оз юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Чунки бу таълимот бевосита касбу кор кишиларига — шаҳарликлар, ҳунармандлар, зиёлилар, ўтроқ ҳолда кун кечираётган деҳқонларга мўлжалланган эди. Бундай иш қилмлари эса тирикчиликларидан воз кечиб, тариқат билангина машғул бўлсалар, уларга ҳеч ким ўз-ўзидан бир бурда нон келтириб бермас эди. Демак, Оллоҳга интилиш кўнгил билан амалга ошиши керак, қўл эса иш билан банд бўлаверсин!

Бугунги кунда ҳам қатор мусулмон мамлакатларида бу тариқат жуда катта мавқега эга. Ҳатто Покистоннинг Лахор шаҳрида нақшбандия тариқатининг жаҳон маркази мавжуд. 1992 йилнинг ёзида ана шу нақшбандия жаҳон марказининг раҳбари, мазкур тариқатнинг ҳозирги пирларидан бири, Покистоннинг йирик жамоат арбоби ва диний уламоси Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий Узбекистонимизга ташриф буюрди. «Ишончимиз комилки, — дейди Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий, — нақшбандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутади».

Ҳа, нақшбандия таълимоти ўзи пайдо бўлганидан бери Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта рол ўйнади. Чунки бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм ва истибдодни қатъиян қоралади, барчани фақат ўз қули кучи, пешона тери билан меҳнат қилиб, кун кечиришга даъват этди. Шунинг учун ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндалари бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб сингари Шарқдаги юзлаб улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаганлар, ўзларининг баракали ижодларида ҳаётни ва инсонни анжи баланд пардаларда куйлаганлар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида турли-туман ривоятлар, ҳикоятлар ва баҳсли масалалар ҳам кўп. Бундай баҳсли масалалардан бири унинг таҳаллуси — «Нақшбанд» ҳақидаги муаммодир. Баъзи бир мутахассислар ул зот ёшлик пайтида темирчилик билан шуғулланган ва темир буюмлар устида ҳар хил нақшлар ясаш билан машғул бўлган, шунга биноан унга «Нақшбанд» лақаби берилган дейишади.

Умуман, Марказий Осиё халқлари Хожа Баҳоуддин Нақшбандни жуда юксак қадрлайдилар, ул ҳазратга эътиқод қилиб, «Баҳоуддин — балогардон!», — дея эъзоллайдилар.

Ўзбекистонимиз ҳозирги мустақиллик йўлидан ривожланаётган бир шароитда «яссавия», «кубравия», «нақшбандия» каби ўлкамизда вужудга келган тариқатлар ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккир, мутасаввиф донишмандларнинг поклик, тўғрилик, худоҳўйлик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, иймон, меҳнатсеварлик каби илғор умумбашарий фикрларидан халқимиз тўла баҳраманд бўла бошлади. Чунки бу таълимот ҳам даврлар синовидан ўтган сўнмас қадриятларимиздандир.

Холмат САМАДОВ,
Тошкент молия институти ҳисоб-иқтисод факультети деканининг муовини, фалсафа фанлари номзоди.

Maktabgacha tarbiya

УСЛУБЧИ ҚИЗ — ХОСИЯТ

Поп туманидаги Ғурумсарой жамоа хўжалигининг «Юлдузча» болалар боғчасида таълим-тарбияга оид машғулотлар намунали йўлга қўйилган. Бундай тадбирларнинг рангбаранг, қизиқарли ўтказилишида жажжилар мураббийси — Хосият Омиловнинг муносиб улуши бор.

Хосият ўз ишининг билимдони. Иш фаолиятини кундалик матбуот нашрлари, радио, телевидение янгиликлари билан бойитиб боради. Ҳар гал биз уни ширинтойлар даврасида бирон-бир тадбир ўтказаётган пайтида учратамиз. М. Умрзоқов қишлоғи ҳудудидаги мактаблар, лицей, коллеж, Ғурумсарой ўйингоҳида ўтказиладиган оммавий спорт байрами тадбирларида Хосият тарбиялаётган жажжиларнинг 15—20 дақиқалик дастури билан қатнашганлари гувоҳи бўлганман.

Айниқса, уларнинг «Соғлом болай десанг», «Ассалом, Наврўз!», «Истиқлол дилбандимиз», «Биз пиёда аскармиз» каби мусиқий композициялари барчани хурсанд этяпти. Ҳ. Ҳайдаров, А. Абдуллаев, Ю. Эсоналиева, А. Исмоилова, А. Турғуналиева, Й. Фозилжонова, М. Жўраева каби жажжи ҳаваскорлар юқоридаги тадбирларнинг фаол иштирокчиларидир.

Х. Омилова республика мактабгача тарбия ходимлари малакасини ошириш курсида ўқиб келгач, боғчада маънавий-маърифий ишларни янада намунали ташкил этишга алоҳида аҳамият бераяпти. У лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш бўйича боғча тарбиячиси ва ходимларига 40 соатлик режа асосида машғулотлар олиб боряпти. Шунингдек, тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига ҳам лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўргатиляпти.

Хосиятхон фаолиятидан отаоналар ҳам мамнун бўлишяпти. Мустақил диёримизнинг келажак дилбандларини миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбияланишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Хосият Омиловага муваффақиятлар тилаб қоламиз.

М. МАТКАРИМОВ.

МЕТАЛЛ — ВАТАНГА

Акмал Икромов номидаги Каттақўрғон педагогика билим юрти маъмурияти 1996-1997 ўқув йилига режалаштирилган 35 тонна қора металл парчаларини йиғиб топширганлиги ҳақида маълум қилади. Қора ва рангли металл парчаларини йиғиш давом этмоқда.

* * *

Бухоро индустриал-педагогика техникуми режадаги 35 тонна қора ва 150 кг рангли металл парчаларини ортиғи билан йиғиб топширганлиги ҳақида хабар қилади.

Iqtisod saboqlari

ҲАРАКАТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАЛИТИ

Одамзот ҳамиша фаровон яшашни орзу қилади. Орзуга эришиш учун у ўз фаолиятини онгли бошқариши, жамиятдаги ўз ҳаракатларининг юксак самара беришини таъминлаши зарур. Демак, у иқтисодий тўкисликка эришиши керак. Кўзланган мақсадга етказувчи йўл дарбозасининг калити эса иқтисодий билимдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тобора мавқеи ва қўлами кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда иқтисодий билимлар ҳар бир кишининг яшаш тарзи учун сув ва ҳаводек заруратга айланди. Том маъноси билан инсон манфаатларини кўзда тутган мамлакат иқтисодий тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос аниқ йўналишларидан дадил бориш, улкан мақсадларни рўёбга чиқариш учун иқтисодиётнинг амалий-ҳаётий йўлларини, ривож топиш жараёнларини чуқур ўрганиш ва билиш ҳар бир кишининг эҳтиёжига айланмоқда. Шу боисдан республикамиз раҳбарияти оммани, шу жумладан, айниқса, ёшларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришга эътиборни қаратаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори (1996 йил март)да ҳам ана шу мақсад кўзда тутилганди. Шу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг барча синфларида иқтисодий таълимни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқди. Тадбирларга кўра таълим соҳаси учун зарур ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарсликлар тайёрланмоқда, оммавий ахборот воситаларида янги рукнлар остида материаллар бериб борилаётир. Дастлабки қалдирғоч — бошланғич синфлар учун «Иқтисод алифбоси» ҳам яратилди (Қаранг, «Маърифат», 19 февраль 1997 й.) Мактаб ўқувчилари, талабалар учун иқтисод бўйича оммабоп луғатлар чоп этилди, янги-янги дарсликлар ва қўлланмалар ёзилаяпти. Ана шундай қўлланмалардан бирини иқтисод фанлари номзоди, профессор Ноҳид Ниёзов ва иқтисод фанлари номзоди, доцент Муртазо Султоновлар ёзиб тугатишди. Муаллифлар «Оммабоп иқтисод» деб номлаган бу қўлланма умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда ҳунар билим юртлари талабалари учун мўлжаллангандир.

Қўлланма муаллифлари ўз олдиларига камол топаётган ёшларга иқтисодий тушунчаларни, қонун-қоидаларни, омилларни, муносабатларни тушунтиришнигина эмас, балки уларнинг ҳаётий-амалий жараёнлардаги моҳиятини ҳам таҳлилий ифодалаб беришни мақсад қилиб қўйганлар. Жами етти бобдан иборат бўлган бу қўлланмада турмушда меҳнатнинг аҳамиятидан тортиб, қиймат ҳосил бўлиши, капитал маблағ, бозор ва унинг инфраструктураси, молия ва савдо муносабатларигача шарҳланади, тушунчалар берилади. Муаллифлар аксарият мавзуларни халқ таълими соҳаси, ўқувчилар ва улар оилалари ҳаёти билан боғлайдилар, мисоллар орқали таҳлил этадилар. Бу эса айни пайтда ҳар бир мавзу юзасидан берилган савол ва топшириқларни ўқувчи тез ва онгли равишда тушуниб, ўз атрофидаги иқтисодга оид мисоллар орқали фикрлаб жавоб топишига имкон беради.

Ҳозир «Оммабоп иқтисод» қўлланмаси китоб ҳолида чоп этишга тайёрланмоқда. Бу қўлланма қўлёзмасининг айрим бобларидан парчаларни газетамизнинг шу йил 12 апрель сонидан бошлаб эътиборингизга ҳавола эта бошладик. Мазкур парчаларнинг ҳам умумтаълим мактабларида ўтилаётган иқтисод сабоқларига қўшимча манба сифатида ёрдами тегади, деб ўйлаймиз.

ҲАЁТ ВА МЕҲНАТ

Биз кузатувчанлик билан кундалик ҳаётимизга назар ташласак, ўнлаб, юзлаб ва минглаб воқеликларнинг гувоҳи бўламиз. Эрталаб туриб радионинг овозини эшитамиз, кўчага чиқиб шаҳар транспортига ўтирамиз, мактабга ёки ишхонага борамиз, ҳар хил амаллар бажарамиз — кўрамиз, эшитамиз, гапирамиз ва ишлаймиз, хуллас, доимо ҳаракатда бўламиз. Хўш, буларнинг боиси нимада, нима учун инсон шунчалик кўп ва мураккаб воқеаларнинг иштирокчиси, кузатувчиси, ижрочиси, назоратчиси ва бошқарувчиси бўлмоғи керак? Бунга биз, одамлар ўзлари қурган жамиятни ривожлантириб, тараққий эттириб боришлари учун шундай қиладилар, деб жавоб берамиз. Тараққиётнинг моҳиятида, энг аввало, ўша ҳазрати инсон, унинг ақл-заковати, фойдали амаллари, камолотга интилиши ва ўзи учун етарли даражадаги моддий ва маънавий ҳаётни вужудга келтириши ётади. Демак, одамлар жамият тараққиётининг ихтирочиси, яъни муаллифи ва айни пайтда ижрочисидир.

Агар масалага ана шундай ёндошадиган бўлсак, ҳозирги пайтда мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар узининг мавқеи жиҳатидан шунчалик улканки, бу нарсаларга бефарқ муносабатда бўлган киши сурилиб, четга чиқиб қолади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақил ҳаётга қадам босган кунидан бошлаб кетма-кет ҳолатда иқтисодий ислоҳотлар бошлаб юборилди. Республикамизнинг Президенти И. А. Каримов узининг қатор китобларида Узбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, ундаги муаммолар ва уларни ечиш омилларини, мамлакат иқтисодиётини бошқариш тамойилларини ва бозор муносабатларининг ўзига хос йўлларини белгилаб берди. Президентимизнинг бир қанча китоблари ҳатто хорижий мамлакатларда чоп этилиб, тажриба алмашиш манбаи сифатида ҳам ўрганилмоқда.

Зотан бугунги кунда иқтисодиётни ўрганиш ва билиш, иқтисодий ислоҳотларни республикамиз ҳаётига татбиқ қилишда фаол қатнашиш ҳозирги кунимизнинг талабига айланмоқда. Зеро, жаҳон миқёсидаги жамики мамлакатларда, айниқса, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида халқ оммасининг, ҳар бир шахс—фуқаронинг ўз ўрни ва иштироки бор. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида кишилар (фуқаролар) узларининг хоҳиш-иродалари билан умумхалқ, умумдавлат миқёсида рўй бераётган иқтисодий жараёнда эркин қатнашадилар. Фуқароларнинг мамлакат иқтисодиётидаги бундай иштироклари уларнинг узларига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради. Бу объектив воқелик бўлиб, уни инкор қилган сиёсат, мафкура ва тузумнинг умри қисқа ва у, албатта, инқирозга юз тутади. Шунинг учун фуқароларни ёшлигидан бундай жараёнда фаол иштирокларини таъминлайдиган иқтисодиёт билан боғлиқ меҳнатга ўргатиб бориш бугунги кунда замон талабига айланмоқда.

АҚШнинг Калифорния штатига малака ошириш ва иш ўрганиш мақсадида борган бир дўстимиз узининг 2 ойлик сафари даврида шу борган ташкилотдаги ошхонага ўша ерда танишган маҳаллий дўсти билан кириб овқатланган. Шунда дўсти унга қараб: «Ҳув, ичкарида идиш ювадиган автоматда ишлаётган болани яхшилаб таниб олгин, у миллионернинг ўғли. Отаси миллионер бўлса-да, бу бола мактабдан бўш пайтларида шу ерга келиб ишлаб туради», — деган. Тошкентлик дўстимиз бу гапга ишонгиси келмай, бир куни ўша болани учратиб: «Кечирасан, менга айтишларича, сенинг отанг миллионер экан. Нега энди қора иш билан шуғулланасан», — деб сураганда у: «Узр сэр, менинг отам миллионер бўлса, у ўзи учун, агар мен миллионер бўлишга интилсам «қора» ишда ҳам, «оқ» ишда ҳам меҳнат қилишни ўрганишим керак, — деб жавоб қилибди.

Бу ўринда яна бир мулкдорлар мамлакатида рўй берган воқеани қисқа ҳикоя қиламиз. Швейцарияда кўп йиллар мобайнида вазир лавозимида ишлаган бир фуқаро давлат ишхонаси билан хайрлашиб нафақага чиққач, хотини билан биргаликда АЕҚШ (автоматик ёқилғи қуйиш шохобчаси) сотиб олади ва тадбиркорлик иши билан шуғулланишга ўтади. Бу воқеани телевизор экранида кўрганимизда ўша собиқ вазир жаноблари шундай сўзларни айтди: «Кечаги вазир бугун ёқилғи қуювчи бўлиб қолибди деб, бизда ҳеч ким ажабланмайди, чунки яшаш ва ривожланиш асосида меҳнат ётади. Шунинг учун меҳнат қилиш айб эмас, аксинча меҳнат ҳар бир инсон учун ҳаётий заруратдир».

Ҳа, меҳнат инсон эҳтиёжини яратувчи заруратдир.

Инсон узининг онги, ақл-заковати, фаҳм-фаросати ва энг муҳими, фойдали меҳнат фаолияти натижасида яшаш шароитини яратади. Одамларнинг яшаш шароити инсоният тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Одамлар пайдо бўлган қадим замонларда оддий озиқ-овқатлар (қўпчилик пайтларда табиий озуқалар), кийим-кечаклар ва уй-жойлар зарур бўлган бўлса, тараққиёт тезлашган сари кишилардаги эҳтиёж турлари ортиб борган ва ўзлари шу эҳтиёжларни қондириш амаллари билан шуғулланганлар. Натижада ҳозирги замонга келиб бундай эҳтиёж турлари минглаб, ҳаттоки миллионлаб кўринишга эга бўлди. Замон тақозоси билан буларнинг турлари истиқболда яна ҳам кўпайиб, бойиб бораверади.

Ноҳид НИЁЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, профессор.
Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

(Давоми бор).

ИНСОН ЎЗ ФАРЗАНДИ ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛ

Mulohaza

ОТА БЎЛИШ ОСОН, АММО...

Фарзанд дунёга келди. Доялар, ҳамшираларга худо берди, оғизлари қулоқларига етган қуйи эшик томон йўрғалаб қолишди. Ахир тезроқ суюнчи ундириш керак-да! Кимдан? Туғрукхона биқинида кечадан бери қоққан қозиқдек қаққаймиш отадан. Зеро, ота бундай пайт афсонавий Ҳотам Тойдан ҳам саҳоватли бўлиб кетади. Қувончдан кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб, бор-йўғини «суюнчи» деганнинг бошидан сочади. Нега? Ахир, унинг зурёди дунёга келди. Ахир, унинг ушалмаган орзу-ниятларини рўёбга чиқарадиган фарзанддавомчи туғилди. Ота чек-чегарасиз қувончга чулғанган. Насиб бўлса, шу бугуноқ бу шодликни ишхонада «ювади», эртага эса қариндошуруғлари, қўни-қўшнилари зиёфатга чорлайди. Зиёфатда, одатдагидек, туғилмиш фарзандга узоқ-умр, бахт-саодат, чин инсон бўлиб улғайиш тиланади, қадахлар жаранглаб кетади. Ота билдирилаётган тилаклардан масрур. Бироқ у бир зум ташвишли ўйга чўммайди. Ахир, бола чин инсон бўлиб улғайиши учун фақатгина қадахлар жаранги кифоя эмас-ку?! Неча кундан бери чўнтак ковлаб, бор-йўғини «суюнчи»га совираётгандек, неча-неча йиллар давомида қалб тубини титкилаб, энг азиз ҳис-туйғуларини боласига бахшида этиши зарур. У бунинг уддасидан чиқа олармикан?

Дарвоқе, нега бунча отага ёпишиб олдик? Бунинг сабаблари тайин. Назаримизда, тотув оила, соғлом авлод тарбиясида оталар ижроси андек оқсаётгандек... Бундай салбий манзарага панжа орасидан қараб бўлмайди, албатта. Зеро, «ота» сўзи «ато» ва «адо» сўзларининг қоришмасидан яралган. Оллоҳ ато этган неъмат — фарзанд шукронасини адо этган шахсгина ота, деган улуғ номга сазовор. Хўш, шукрона қандай адо этилади? Ота фарзандни солиҳ, инсонпарвар, юртпарвар бўлиб ўсиши учун бутун борлиғини бахшида қилмоғи, чинакам адолик, чинакам фидойилик кўрсатмоғи керак. Қолаверса, бизнинг бу қадим Шарқда, шавкатли Турон юртида тарбияда отага катта аҳамият берилган. Афсуски, яқин ўтмиш қизил империя ҳукмронлиги пайти аждодларимизнинг бундай ижобий, ўзига хос удумлари топталди, «оилада ота қўлининг баланд бўлишлиги, аёллар ҳуқуқини камситади», деган баҳона остида ғайри табиий тенгликларни тарғиб қилувчи қонунлар чиқарилди. Оқибатда ... оилада ўктам овоз, ўткир нигоҳ, метин ирода йўқолди.

Бугун биз юртда мустақиллик қуёши порлагани билан фахрланяпмиз Топталган қадриятлар тикланиб, қадимий урф-одатларимиз элга қайттяпти. Ёш, ҳур республикамиз ўзининг Асосий Қомусида ҳам оила ҳақида алоҳида боб ажратиб, жарангдор сатрларни битди. Ҳусусан, XIV бобнинг 64-моддасида шундай оилапарвар жумлаларни ўқиймиз: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунлари қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...» Шу бобнинг 66-моддасида ҳам чин инсонпарварлик ғояларини ўқиб олишимиз мумкин: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар...»

Бироқ, минг афсуски бугун улғайиб, оила тебратаётган юртдошларимизнинг деярли барчаси эски тузумнинг қизил байроқлари остида ҳайқиришиб вояга етишган. Шунинг учун ҳам кўпгина ота-оналарга ғайритабиий «тенглик», «эркин оила» тушунчалари юқиб қолган. Бу асорат туфайли ҳамон оилаларнинг емирилиши, маънавий қашшоқлашув юз бериб турибди. Бизни бундай қулфатлардан фақатгина чин шарқона турмуш тарзи, минг-минг йиллардан бери синовлардан ўтиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимиз қутқариб қолиши мумкинлиги ошкора айтиляпти.

Оилаларга ота нафасини, ота иродасини қайтариш пайти етди! Маълумки гўдаклар тетапоя бўлгунгача, оналарни эмиб, оналари қучоғида яйраб уларнинг юмшоқ, нозик тарбияларини олиб улғайишади. Тағин, боғчаю мактабларда ҳам бола кўпрон аёл табиати билан ҳамнафас бўладилар. Чунки боғча тарбиячилари юз фоиз, мактаб ўқитувчилари ҳам қарийб саксонтўқсон фоиз хотин-қизлардан иборат эканлиги сир эмас. Таълим-тарбиядаги бундай «кемтиклик» ўз кўнгилсиз мевасини бермай қолмаётир. Ёш қизларимиздаги бетгачопарлик, шармсизлик қусурлари урчиб, ўғлонларда эркакларга хос мардлик, тантилик, ирода кундан-кунга заифлашиб бормоқда. Бундай нохушликда, аввало, оталар безовталансалар арзийди, албатта. Тўғри, масалага бундай кескин ёндашув кўпгина оталарнинг ҳамиятига тегиши, «нима, биз пашша қуриб юрибмизми», дея эътироз билдиришлари мумкин. Уларнинг эътирозларида жон бор, бироқ, юқорида айтганимиздек, кўпгина оталар эски мафкура таъмини ҳамон оғизларидан кеттиролмаганлари туфайли, тарбиянинг нозик томонларини тушунишмайди, ё тушунишса-да, нописандлик қилишади. Уларнинг назарида қўрслик, сўқағонлик, ичиб-чекиб, чойхоналарда улфатчилик қилиб юриш «чинакам эркаклик» хислати саналади. Шунинг учун ҳам болалар кўз ўнгида ҳам бемалол болоҳонадор қилиб сўкинишади, хотини билан даҳанаки мушт-лашишга тушиб кетишаверади. Болаларга эса ўз қашшоқ дунёқарашларини сингдиришга ҳаракат қилишади.

***

Маҳалламиздаги бир-бирига қаратиб қурилган баланд-баланд «дом»лар ўртасида кенгтина майдон бор. Кун бўйи бу ерда болаларнинг қий-чуви тинмайди. Тўс-тўполон билан ўйнашгани ўйнашган. Қайси бир куни майдоннинг бир чеккасида ҳурпайибгина турган опа-укалар—жажжи қизалоқ ва болакай диққатимни тортди. (Бир «дом»да яшаганимиз боис уларни, уларнинг ота-онасини яхши танирдим) Болалар ғоят пўрим қийинишган, олдиларида антиқа-антиқа, қимматбаҳо ўйинчоқлар товланиб турарди.

— Нега сизлар болаларга қўшилиб ўйнамаяпсизлар? — сурадим қизалоқдан.

Қизча, аввал, ўз уйлари томон бир чўчиб қараб олди, сўнг, ерга ғамгин тикилиб пичирлади:

— Биз бойнинг болаларимиз Ҳар хил жулдирвақиларга қўшилмаслигимиз керак...

Қизча худди шеър ёдлагандек, кимнингдир айтганларини сўзма-сўз қайтараётгани шундоққина сезилиб турарди.

— Сенга буни ким ўргатди? — деб сўрадим ҳам ажабланиб, ҳам энсам қотиб.

Қизга уйлари томон яна бир чўчиб кўз ташлади, лекин индамай яна ерга тикилди. Унинг ўрнига шу пайтгача қий-чув кўтариб ўйнаётганлар томон ютоқиб қараб турган укаси жавоб берди:

— Адам, ойим ўргатдилар...

***

Гавжум Чорсу бозори. Басавлат бир киши саккиз-тўққиз ёшлар атрофидаги ўғлини эргаштириб қаторлар оралаб бораётир. Ногоҳ, уларнинг гапсузи қулоғимга чалинди.

— Да-да-а, — деб тантиқланарди ўғил, — анови ерда эртак китоб сотяпти экан, олиб беринг...

Ота унга бир ўқрайиб қаради. Бола бир зум жим қолиб, яна ялина бошлади.

— Олиб бери-инг...

— Сенга неча марта айтаман, ҳар хил эртак-чўпчаклар билан бошингни оғритма, деб, — ижирғаниб гап бошлади ота, — уларнинг ҳаммаси ёлғон...

Бола кап-катта бўлса-да ҳиқиллай бошлади.

— Кел, яхшиси сенга. Ван-Дамнинг зўр видеокассетасидан олиб бераман, — деди ота уни овутган бўлиб.

Бола, аввалига эртак китобдан кўнгил узолмай анча пайт ҳиқиллаб турди, сўнг, барибир бефойда хархаша қилаётганини сезди шекилли, отасига суйкалди.

— Дада, менга Чак Нориснинг видеокассетасини олиб беринг, ҳеч қайси ўртоғимда йўқ, — деди бола синиқ товушда.

— Бўпти, — дея рози бўлди отаси, — ҳеч қайси ўртоғингда йўғини айтавер, ўшани олиб бераман.

***

Ҳа, бу икки манзарада ҳам ота-онанинг (аввало, отанинг!) сийқа фалсафасию, қашшоқ маънавий дунёси бўртиб турибди. Аммо, унинг жабрини болалар тортишаётир. Бундай сохта, бироқ фожиали манманлик оқибати келажакда болаларни қай томон бошлаши ҳеч кимга сир эмас. Биз эзгулик, одамийлик, мардлик ҳақида сўз борганда, негадир доим аллақандай ривоятларни, афсоналарни мисол келтиришга одатланганмиз. Бироқ олижанобликнинг, тантиликнинг ёркин тимсоллари шундоққина теварагимизда эканлигини баъзан пайқамай қоламиз.

Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳаётидаги кўпгина лавҳалар, чинакам фарзанд тарбиясига қайғурган ота тимсолига мисол бўла олади. Марҳум Ҳабибулло Қодирий ўзининг «Отам ҳақида» китобида шундай бир воқеани ҳикоя қилиб берган.

Велосипед эндигина Тошкентда пайдо бўлган пайтлар экан. Ёш қизиқувчан Ҳабибулло онаси орқали отасидан велосипед сотиб олиб беришни илтимос қилади. Бироқ буюк ёзувчи бу илтимосни рад этади. Оилада ҳамма ҳайрон. Ахир, янгиликка интилувчи, фарзандлар камолини ўйловчи ота пули етарли бўлса-да, негадир велосипед олиб беришдан бош тортди. Орадан кунлар ўтиб бунинг сири аён бўлди.

— Болаларимдан қизғонадиган нарсам йўқ, — деди ҳассос адиб, — лекин мен болаларимга қимматбаҳо нарса олиб берсам, қули юқа қўшниларнинг аҳволи нима кечади? Ахир, бизнинг болаларда кўриб уларнинг болалари ҳам хархаша қилишади-ку? Йўқ, қўни-қўшнига жабр қилиб қўйишдан қўрқаман...

Ҳа, нақадар гўзал қўрқув! Бу қўрқувда чинакам отага, чинакам эркакка хос жасорат, тантилик мужассам. Дарҳақиқат, отадаги бундай хислатлар болаларга сингмай қолмайди. Ахир, элимиздаги, «қуш уясида курганини қилади», деган нақл бежиз эмас-да.

Ота... Оила устуни, фарзандлар қувончи. Болаларнинг соғлом ўсиб улғайиши, маънавий камол топиши учун ота кўпроқ қайғурмоққа ҳақли ва масъулдир. Чунки фарзанд унинг шажарасини давом эттиради. Унинг шажараси эса жамият шажарасининг бир бўғинидир.

Луқмон БЎРИХОН.

Фарзандларимизнинг яна ҳам яхши таълим-тарбияли ва одобли бўлиб етишишларини таъминлаш бизнинг миллий бурчимиздир.

И. А. КАРИМОВ.

Adab

ОДИЛЖОН ОДОБЛИ БЎЛДИ

Табиийки, инсон қалби яхши гапнинг гадоси. Халқимиз айтганидек «Яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга мусулмон динидан чиқади». Айниқса, бола билан муомалада бу мақолдан фойдаланиш қўл келади. Мана 20 йилдирки, ўқувчилар билан биргаман. Битта қалб, битта кўз билан 25-30 қалб ва қора кўзларни кузатиш ҳам завқли, ҳам машаққатли. Арзимаган қўпол муомала билан нозик қалб эгаларини ўз фанимиздан, ўзимиздан совутиб қўйишимиз ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир мураббий инсон қалбини бошқаларга нисбатан чуқур тушунадиган, кўзига қараб қалбидагини кўрадиган бўлиши шарт деб ўйлайман.

Оддий бир мисол: 5-синфдаги адабиёт дарсида ўқувчи Нуралиевнинг бугунги дарсга тайёр эмаслиги, устига-устак синфда тўполончи ҳисобланиб ўз синфдошларини ранжитиб лақаблар билан аташини синф бошлиғи норози оҳангда айтиб қолди...

— Хўш, нима қилиш керак? Доскага чиқариб уриш ёки сўкиш керакми? Йўқ, йўқ...

— Яхши, қизим, дарсдан сўнг яхшилаб таъзирини бераман...

Дарсдан сўнг Нуралиевни олиб қолдим. Унинг боши эгик, айбини ҳис қилаяпти. Демак, тарбияласа бўлади. Сукунатни бузаман.

— Одилжон, нима бўлди?!

— Шеърни ёдлай олмадим, сўзлари қийин экан.

— Яхши ёдлай олмабсан, нега адаб дарсида адабсизлик қилиб, дўстларингга қўполлик қиласан?! Одилжон, сенинг ота-онангни яхши биламан (аслида ота-онасини тўлиқ билмаслигим мумкин), ажойиб инсонлар. (Зарарли ростдан фойдали ёлғон баъзан афзал бўлади). Яхши едириб, чиройли кийдириб, мактабга жўнатган ота-онанинг боласи сендек бўлиши керакми, ўғлим!

«Йўқ» жавобини оламан.

— Тўғри, шеърнинг сўзлари қийин, ўқиб мазмунини айтиб берсанг ҳам «5» баҳо қўяман-ку! (Албатта, ҳамма ўқувчига нисбатан бу муомала қўл келавермаслиги мумкин).

Муомаламдан ҳайрон қолган Одил қулоқларига ишонмайди.

— Сени эртадан жиддий кузатаман, ўғлим. Бориб дам олгин.

Эртасига биринчи соат адабиёт дарси. Одилни кузатаман. Қўл кўтаряпти. Марҳамат Нуралиев, эшитаман. Аҳмад Яссавий ўгитлари ўқиляпти. Синф жимжит.

— Аё дўстлар нодон бирла улфат бўлиб.

Бағрим куюб, жондан тўюб ўлдим мано...

... Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин.

Доно топмай ер остига кирдим мано.

Ҳа, Одил жуда чиройли ўқиб, мазмунини айтиб берди. Аҳмад Яссавий нодонларни инсон ўрнида кўрмаслигини, доно тополмагани боис ҳатто ер остига киришни афзал кўрганлигини айтиб берди.

— Раҳмат, Одилжон, ўқисанг бўлар экан-ку. Ўтир ўғлим, баҳонг «5». Ҳамма ҳайрон. — Муаллима опа, ахир у ёддан айтмади-ку, деган норозилик фикрлари атрофда. Ўқувчилар ҳатто «4» баҳони ҳам ололмаган Одил бугун «5» олди. У буни оқлайди, ишонаман, менга ваъда берган.

Дарҳақиқат, бу каби юзлаб рағбатлантириш усулларидан фойдалана олсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муқаддам ШОДИЕВА,
Ховос туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси.

КУН ТАРТИБИДА АХЛОҚЛИ СОҒЛОМ АВЛОД

Шу кунларда Андижон вилоятида «Соғлом авлодни камол топтиришда одоб ва ахлоқ» ҳамда «Халқ таълими ходимлари саломатликларини тиклаш» мавзуида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтмоқда. Унда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этмоқда.

Мазкур тадбир мазмунан ўз ичига шу куннинг қайноқ масалаларидан бири бўлиб турган — ёшлар тарбияси муаммосини олгани учун ҳам мулоҳазаларга, фикрларга, таклифларга бой бўлмоқда. Албатта уларга амалда риоя этишгина бу борадаги муваффақиятлар гарови бўла олади.

Шунингдек, инсон манфаатлари йилида педагогик ходимларнинг, тарбияланувчи ва таълим олувчиларнинг саломатликларини тиклаш ҳам семинар-кенгаш кун тартибининг асосий масаласи сифатида муҳокама этилмоқда. Жойларда шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар ўрганилмоқда.

Газетамизнинг навбатдаги сонларида ушбу семинар-кенгаш тафсилоти билан сизларни батафсил таништириш ниятимиз бор.

Мухбиримиз.

БОЛА БАРЧАГА АЗИЗ. Равил АЛБЕКОВ олган сурат.

МАКТАБДА ОТА-ОНАЛАР ЖАМҒАРМАСИ

(Боши 1-бетда).

ҳолда мактаб қошида амалий фаолият кўрсата олувчи жамоат ташкилоти тузиш керак деган гоя ўртага ташланди. Ишимизнинг энг масъулиятли ва оғир палласи бошланди. Аввало, турли касб эгалари бўлган, зиёли ва фидоий ота-оналардан ташкил топган ташаббускор гуруҳ тузилди. Гуруҳ томонидан мактаб миқёсида фаолият кўрсатувчи ва амалдаги қонунларга мувофиқ юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган **жамоат ташкилоти — Ота-оналар жамғармаси ташкил қилиш ишлари 1996 йилдаёқ бошлаб юборилди.**

Аввало, жамғарманинг асосий мақсади, вазифалари, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, молиявий маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиблари, сайланма ва бошқарув органларини ташкил қилиш қоидалари ёритилган Низоми, фаолият дастури ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган Низом ва ҳужжатлар ҳар бир синфдаги ота-оналар мажлисида муҳокама қилиниб ҳар бир ота-онанинг фикри, таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда мактаб ота-оналар умумий мажлисида тасдиқланди. Ваҳоланки, мактабимизда 55та синф бўлиб уларда жаъми 1500 нафардан ортиқ ўқувчи ўқийди. Барча ҳужжатлар тегишли идораларнинг (туман халқ таълими бўлими, шаҳар халқ таълими бошқармаси, Республика Халқ таълими вазирлигининг, ижобий, хулосалари олингандан кейин амалдаги қонунларда белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун Адлия органларига тақдим қилинди. Ниҳоят, барча ҳаракатлардан кейин мактаб ота-оналар жамғармасининг Низоми 1996 йил 24 июлда Тошкент шаҳар ҳокимияти Аллия бошқармаси ҳайъатининг 61-сонли қарорига асосан рўйхатга олиниб, унга юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган жамоат бирлашмаси мақоми берилди. Бугунги кунга келиб жамғарма ўзининг бошқарув ва ишчи органларига, халқ банки муассасасида ҳисоб рақамига, муҳрига ва штампларига, мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда ўқув йили учун тузилган ва ота-оналар умумий мажлисида тасдиқланган муайян иш режасига эга.

Қисқача унинг асосий мақсади ва вазифалари тўғрисида: мактаб моддий техника базасини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш, мактаб ҳаётига оид ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида ота-оналар билан мактаб маъмурияти ва жамоаси ўртасида доимий ҳамда самарали ҳамкорликни ташкил қилишдир.

Асосий вазифалари — мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ҳулқи ва интизоми, ўзлаштириш ва дарс бериш сифати устида иш олиб бориш, тарбияси «оғир» болаларнинг ота-оналари билан алоҳида иш олиб бориш, байрам тадбирлари, турли қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар, семинарлар, кўрик-танловлар ташкил қилиш ва ўтказиш; ота-оналар таклифларини муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш; мактаб моддий-техника базасини яхшилашга, мактаб ҳудуди ва ер участкаларини ободонлаштиришга, синф хоналарининг таъмирланишига кўмаклашиш; турли ташкилотлар, маҳалла қўмитаси, олий ва махсус ўқув юртлари, илмий ва халқ таълими муассасалари билан алоқалар ўрнатиш.

Юқорида қайд этилган мақсадга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун, табиийки, маълум миқдорда моддий маблағлар талаб қилинади Жамғарманинг молиявий маблағлари ота-оналарнинг йиллик ихтиёрий бадаллари ва ҳомийларнинг ажратмалари ҳисобига шакллланади. Ҳар бир ота-она йиллик бадал миқдорини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий равишда аниқлайди. Ҳомийлар ҳам ўз ажратмаларининг миқдорини мустақил равишда ўзлари белгилайди. Унга йиллик бадаллар ва мактаблар ўтказиш ҳамда уларнинг миқдорини белгилаш бўйича ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юклатилмаган бўлиб, буларнинг барчаси кўнгиллилик ва ҳайрия асосида ихтиёрий равишда амалга оширилади. Маблағлардан фойдаланиш тартиби Низомда батафсил ёритилган бўлиб, улар асосан юқорида санаб ўтилган мақсадлар учун ишлатилади.

Жамғарма фаолиятига оид барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш ва ҳисобот бериш Низомда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон килиниши, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» тўғрисидаги Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳужжатда ҳам ўқитувчиларга ва педагоглик касбига алоҳида эътибор берилиши халқимизнинг умид ва мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб тушганлиги табиийдир.

Энди икки оғиз амалий фаолиятимиз тўғрисида, Жамғарма расман ўз фаолиятини 1996—97 ўқув йилининг бошидан бошлаб ўз Низомига асосан қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, ўтган давр ичида мактаб маъмурияти биллан ҳамкорликда илмий-амалий, маънавий-маданий масалалар бўйича, шунингдек, байрам тантаналари муносабати билан ўнга яқин турли оммавий тадбирлар ўтказилди. Ўз хулқи-одоби ва дарсларни ўзлаштириши билан бошқа ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатаётган ўқувчилар (9 нафар) ва уларнинг ота-оналари билан алоҳида иш олиб борилди, натижа эса бугунги кунга келиб кўнгилдагидай бўлаяпти. Ўрта мактаблар ўқув дастури бўйича фанлардан ўтказилган туман ва шаҳар олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар (14 нафар) ҳамда уларнинг ўқитувчилари (12 нафар) рағбатлантирилди. Оиласи мусибатга учраган 4 нафар ўқитувчига моддий ёрдам кўрсатилди. Мактабнинг моддий-техник ва айрим хўжалик эҳтиёжларининг қондирилишига моддий жиҳатдан кўмаклашилди. Ўтган давр ичида жамғарма ҳисобига 142700 сўм маблағ йиғилди, шундан 69 минг сўмини ҳомийлар ажратмалари ташкил қилди. Мактаб эҳтиёжлари учун эса ўтган давр ичида 52600 сўм ажратилди.

Эҳтимол юқорида келтирилган маълумотлар ҳисоботдек туюлар, лекин камина бу билан ўзимизни кўрсатиш фикридан тамомила йироқда турган ҳолда бугунги кунда мактабларимиз билан жамоатчилик ва оила ўртасида амалий ва қонуний ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтмоқчиман холос. Ҳамма гап ана шундай имкониятларни ишга сола олишимизда. Мақсад — фақат маблағ йиғиш эмас, балки гап келажагимиз бўлмиш фарзандларимиз тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларда кетаётир. Фарзандларимизнинг асл инсоний фазилатларга садоқат, узаро ҳурмат, меҳру оқибат руҳида тарбияланишига, билим ва амалиёт, маҳорат ва тажриба, моддият ва маънавият орасидаги тадрижий уйғунликни чуқур англай олишларига ҳамда ҳаётга тўғри тадбиқ қилишларига муносиб ҳисса қўшиш ва ўзимизга ана шундай вазифаларни бажаришга доимо шай қилиб турувчи талаблар қўйиб бориш ҳар бир ота-она учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолмоғи лозим.

Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган ажойиб ҳикмат бор. Агар, биз ота-оналар бу ўта муҳим масалага бефарқ қарамасак, бирлашсак, шоирлар ибораси билан айтганда, кўнглимиз кўзга айланиб дилда ҳоҳишу юракда мақсад жўш урса, ўқитувчиларимиз ҳам ўз навбатида ота-оналар билан ишлашни кучайтирсалар, ишончим комилки, ҳар бир ота-она мактаб билан ҳамкорлик қилишга вақт ҳам, имконият ҳам топа олади.

Гофиржон ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 260-мактаб «Ота-оналар» жамғармасининг раиси.

Sport maydonchasi

ЭШКАКЧИГА ЭШ БЎЛИНГ

Эшкакни билагида кучи бор, мардлар эшади-да! Шу боис бунақанги қизиқарли «пойга»ларни томоша қилганда сира ажабланмаслик керак. Яқинда Самарқанд шаҳрида эшкак эшиш бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам ўз ниҳоясига етди. Беллашувда Тошкент вилояти вакиллари ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни 588 очко тўплаган сирдарёликлар эгаллашди. Якка баҳсда опа-сингил Севара ва Зарина Валиевалар биринчи-иккинчи ўринларни олишди.

МЎҒУЛИСТОНДАН ТОПИЛГАН ТИЛЛОЛАР

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида самбо қураши бўйича навбатдаги қитъа чемпионати яқунланди. Ушбу халқаро мусобақада курашчиларимиз бир йўла 8 та олтин, 5 та кумуш ва 10 та бронза медалларини қўлга киритишди. Жумладан Фарҳод Хўжамов билан бухоролик Шуҳрат Хўжаевлар қитъа чемпиони деган шарафли номни олишди.

МАРАДОНА ФУТБОЛГА ҚАЙТДИ

Футбол қироли — Диего Арманд о Марадона ҳақидаги ҳар бир янги хабар ишқибозларни бефарқ қолдирмаса керак. Узоқ танаффусдан кейин яна у тўп суришга қарор қилди. Футбол қироли — Диего ўзининг қадрдон жамоаси «Бока хониорс» билан янги шартномани имзолади. Фақаттина қиролнинг вазни бироз оғирлашган. Ўзининг асл ҳолатига қайтиши учун 6 килограмм озиши керак.

ҚАНОТИНГ ҚАЙРИЛМАСИН, ҚАНОТБОЙ!

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 30-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Қанотбой Бекпўлатов Фарғонада Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган бокс бўйича мусобақада қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони номини олишга муяссар бўлди.

«ҲАВАС»ГА ИШТИЁҚ КАТТА

Маълумки, Ўзбекистонда спортнинг теннис турига қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Буни шу йил 6—8 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган анъанавий «Хавас» мусобақасидан ҳам билса бўлади. Турнирда асосан раҳбар ходимлар, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этишади.

Xullas...

САФОЛАРНИНГ ЖАФОЛАРИ

Дунёда адашлар кўп. Бироқ бир маҳаллада 60 кишининг исми-шарифи бир хил бўлганини ҳеч эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз Туркиянинг Барзан қишлоғига ташриф буюрганлардан сўраб кўринг. Айтишларича у ерга почтачилар боришдан безиллайди. Чунки Сафо Вейсал номига келган хатнинг асл эгасини топгунча бир варакайига 60 хонадонга кириб чиқиши, ё қишлоқ ўртасидаги тепаликка чиқиб, бўғила-бўғила Сафоларни чақириши зарур.

ОМАДСИЗ ОДАМ

Австралиялик Жон Малнесни кўрган-билганлар «бечора, омадсиз», дея афсус билан эслаб бош чайқаб қўйишади. Чунки Жон ўз ҳаёти давомида икки марта заҳарли илон чаққанда, уч марта авто ҳалокатига учраганда, бир бор сувга чўккан да ҳам ўлмай, омон қолганди. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, Жон уйқусида босинқираб бошини каравот тўсинига уриб олдию... хайр-хушни насия қилиб, охиратга рихлат қилди.

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидов ўз қасидасини битаётганда манови ғаройиб тажриба ҳақида ўқиган бўлса ажабмас...

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида ўтказилган синов пайтлари эркаклар ялангоч ҳолда 204 даража иссиққа бемалол бардош беришган. Баъзи бир ҳимоя кийимларини кийиб олишгач эса 260 даражали ҳароратни кўрдик дейишмаган. (Ҳолбуки бифштекс қовуриш учун 162 даража иссиқлик етарли).

МУҲАББАТ БЎЙ ТАНЛАМАЙДИ

Англиялик Найжел Уилкс Беверел хонимни бундан роппа-роса йигирма беш йил аввал ўз никоҳига олганида катта шовшув бўлиб кетганди. Шовшув сабаби нимада эканлигини биласизми? Чунки куёв жўранинг бўйи оз эмас, кўп эмас нақд 200,9 сантиметр эди. Келин пошшанинг бўйлари эса... бор-йўғи 119,3 сантиметрни ташкил этарди, холос. Ҳа, муҳаббат бўй танламайди, деб шуни айтса керак-да. Дарвоқе, орадан бир йил утар-утмас бу ғаройиб оила қучқордек ўғилли бўлишди.

ana shunaqa gaplar

ДАСТАВВАЛ ДЕГАНИМИЗ...

Ҳазрат Навоий «Лисон-ут-тайр» асарида Шайх Фаридиддин Аттор закосига чизги берар экан, дейди:

Ҳар не гардун баҳр ила конида бор
Онга юз Аттор дуконида бор.

Яъни: Оламдаги барча денгиз ва конларда нимаики бор бўлса, юзлаб ушанча нарсалар Аттор дуконида мавжуддир.

Худди шу янглиғ оламда Санъат номли бир дукон ҳам борки, ундан фақат гўзаллик харид қилишингиз мумкин. Бу дукон пештоқларига завқу шавқ, қувончу сурур жойланган. Ва яна кемтик дилу хаста кўнгил малҳами ҳам худди шу манзилда.

Келинг, энди бир сирни очай. Рости мен бу чиройли гапларни доиранинг «бака-бака-бум»идан териб олдим.

Кеча Республика ўқувчилар саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комилов таваллудининг 120 йиллигига бағишланган ёш доирачиларнинг «Зарб — 97» Республика кўрик-танлови бизни шу тақлид сўз айтмоққа мойил этди.

ТАНЛОВДАН ТАРИҚЧА ТАВСИФ

Йиғилишни Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган ёш доирачиларга бўлгуси танловда омадлар тилади. Шунингдек йиғилишда. Маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов, бастакор Анвар Назаров, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Н. Мадраҳимова, Д. Исломов, Э. Исломов ва бошқалар иштирок этишди.

Дарҳақиқат, танлов танларда

«ЗАРБ – 97»... ШУНДАЙ БЎЛИБ ЎТДИ

титроқ билан бошланди. Ҳар бир даста муайян усулда ва эркин мавзуда ўз санъатларини бирин-кетин намойиш қилдилар. Сиз ҳеч узингизга савол берганмисиз? ! Доирани билаги зўр яхши урадими, юраги зўр? Мен бу саволга танловда жавоб топдим. Ҳар қанча билак зўр бўлса-да, у нозиккина дид қаршисида тиз чўкар экан.

Ун тўртта даста ўзаро куч синашган мазкур танлов ана шундай қалтис «довон»лардан ошиб интиҳо топди.

Ҳакамлар ҳайъатининг фикрича кўрик-танловда Республика ўқувчилар саройи Туйчи Иноғомов номидаги ёш доирачилар дастаси биринчи ўринни эгаллаб, I-даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплекси «Зарб» дастаси ҳамда Самарқанд шаҳар ўқувчилар саройининг «Суғдиёна зарб» дасталари доирачилари иккинчи, Фарғона, Навоий, Хоразм вилоятларидан келган ёш доирачилар эса учинчи ўринларни олишга муваффақ бўлишди.

ТААССУРОТЛАР ТАФСИРИ

Ўтмиш донишларидан бири айтган экан:

— Мақсадсиз фаолият йўқ, фаолиятсиз эса ҳаёт йўқ.

Дарвоқе, республика миқёсидаги ёш доирачиларни йиғиб танлов ўтказиш замирида не мақсад бор эди?

Қарши тумани ўқувчилар уйи директори Турсун Хасанов:

— Ўтказилган ушбу тадбир ўқувчиларимизга аввало турли вилоятлардан келган болалар билан дўстлашишни насиб этди.

Тўғрисини айтсам, бу сознинг ҳали биз кашф қилолмаган сирли томонлари бор экан. Биз ўз вилоятимизга ана шундай катта тассуротлар билан қайтмоқдамиз.

Бўз тумани болалар-ўсмирлар ижодиёт уйи 9-синф ўқувчилари Музаффар Ғаффоров, Камолиддин Исоқжонов:

Tanlov

— Бизга танловнинг фойдали томонлари жуда кўп бўлди. Аввало Тошкент билан танишдик. Қуплаб дўстлар орттирдик. Энг кераклиси, доира санъатининг нозик қирраларини билганимизча бир-биримиз билан алмашдик.

Танлов таассуротлари хусусидаги сўровларимизга илиқ жавоблар олган бўлсак-да, беллашув давомида ўзимиз илғаган баъзи қусурларни ҳам дастурхон этмасак бўлмас.

Сўнгги пайтларда ўқувчиларни рағбатлантириш ва маълум йўналишларга қизиқтириш борасида ҳар хил кўрик-танловлар уюштирилмоқда. Бироқ ушбу беллашувлар жараёнида баъзан бемаврид чиқишлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Дейлик, мазкур танловда оёқларига узундан узун ёғоч боғлаб олган болалардан бири ўйин кўрсатиш пайтида йиқилиб тушди. Қизиғи шундаки, танловда доира чалиш маҳоратига қараб баҳо берилянпти, «узун оёқ» устида ўйин кўрсатишга эмас. Тўғри, бу хилда ҳам ўйин кўрсатиш усуллари йўқ эмас. Лекин ҳозирги саҳна шароити бу талабга жавоб бермайди-ку!

Дарҳақиқат, бажараётган ҳар бир ишимизнинг шаклига қараб эмас, мазмунига кўпроқ эътибор берсак, бизни тутиб турган вазият билан ҳисоблашсаккина кўзлаган мақсадга эришимиз мумкин.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Республикамизда футбол бўйича биринчи лига мусобақалари бошланиши муносабати билан Собир Раҳимов туманининг «Истиқлол» ўйингоҳида катта спорт байрами бўлиб ўтди. Байрамга тумандаги барча мактабларнинг ўғил-қизлари таклиф қилинди. Байрам сўнгида ўтказилган футбол беллашувларида 243-ўрта мактабнинг «Омад», 298-мактабнинг «Ғунча» жамоалари чиройли ўйинлар кўрсатишиб, барчани хушнуд этдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. 243-ўрта мактабнинг «Омад» командаси ёш футболчилари. 2. Мусобақа пайти.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ТЕАТРДА БАҲОР БАЙРАМИ

С. Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 45-лицей жамоасида Наврўзи олам давом этмоқда. Яқинда бу маскан аъзолари пойтахтдаги Ҳамза театрига жамул-жам бўлишди. Наврўзнинг бунчалик кеч нишонланаётганлигининг биринчи сабаби ана шу эди. Лицей директори Тинчивой Пўлатов ўқувчилар билан келишиб кечани Ҳамза театри биносида ўтказишга қарор қилди.

Иккинчи асосий сабаб эса жамоа аъзолари бобомиз А. Навоийнинг

«Ҳар тунинг қадр ўлубон
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз» байтини шиор қилиб олишгани бўлди.

Кечада ҳар бир синф ўқувчилари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Байрамда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев иштирок этди.

М. НАЖМИДДИНОВА,
РТМ бўлим бошлиғи муовини.

Ko'ngil bitiklari

***

Қайтармикан висол азизим,
Сизни ўйлар яна юраклар.
Баҳор гулларидай чиройли
Сизни бир малика сўроқлар.

Яна келинг анҳор бўйига,
Лолалардан гулдаста тутинг.
Яна кўнгил япроқларини
Муҳаббатга буркаб овутинг.

Биз тиллашган азиз кунларда,
Гўзал баҳор ҳукмрон эди.
Гуллар ила сирлашган кўнгил,
Соғинади гулларни энди...

***

Мен сени кутгандим кўзларим ҳўллаб,
Мен сени кутгандим лабларим чўллаб.
Нега мени алдаб кетдинг, айт баҳор,
Орзуларим қолди кўлмакдай кўллаб.

Висол ҳақиқатга айланмас экан,
Диллар бир-бирига бойланмас экан,
Кимнингки қалбида севги бўлмаса,
Муҳаббат кўкида айланмас экан.

Айт, нега севгидан сўзладинг, баҳор,
Нега сен шивирлаб бўзладинг, баҳор,
Орзуларим сойдай тошқин эди-ку,
Нега юрагимда музладинг, баҳор?

Дилфуза БЎРИБОЕВА,
Жалолобод.

ФРАНЦУЗ ҲАНГОМАЛАРИ

Табиат дарсида ўқитувчи йил фасллари ҳақида гапираётганди. Аммо Рене дарсга қулоқ солмаётганди. Шунда ўқитувчиси ундан сўради:

— Айт-чи Рене, олмаларни териш учун қайси вақтни танлаш керак?

— Боғда боғбон ва унинг ити бўлмаган вақтни, — деб жавоб берди Рене.

***

Жажжи Франсуа мактабдан ҳурсанд бўлиб келиб ойисига деди:

— Ойижон, мен бугун «10» баҳо олдим.

— Жуда соз. Лекин бунча катта баҳони нимадан олдинг?

— Жуда осон: математикадан «2», диктантдан «4», тарихдан «3» ва географиядан «1».

***

— Биласанми, Пьер, бизнинг ўқитувчимиз ҳеч қачон шерни кўрмаган экан.

— Ростданми?

— Ҳа рост. Бугун расм дарсида мен шер расмини солган эдим. Ўқитувчимиз кўриб: «Нима чиздинг Поль?» деб сўради.

Французчадан Жаҳон тиллари университети 1-курс талабаси Сардор ИСКАНДАРОВ ўгирган.

Maktabgacha tarbiya

Республикамизнинг ҳамма-ҳамма жабҳаларида бунёдкорлик ва яратувчилик ташаббуслари тобора кенгроқ қулоч ёзмоқда. Бу ибратли ташаббус жажжи кичкинтойлар маскани — мактабгача тарбия муассасаларигаям етиб келдими? Махсус мухбиримиз Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг мактабгача тарбия муассасалари бўйича бош мутахассис Дилбар МУРОДОВА билан ана шу хусусда суҳбатлашди.

22 ФОИЗ... ОЗ ЭМАСМИ?

—Дилбар опа, Қашқа воҳасида мавжуд кичкинтойларнинг атиги 22 фоизи болалар боғчаларига тортилган экан. Бу кўрсаткич шахсан сизни қаноатлантирадими?

—Энг аввало шуни айтайки, мазкур кўрсаткич нафақат мени, вилоят халқ таълими бошқармаси маъмуриятини ҳам, вилоят ҳокимлигини ҳам мутлақо қаноатлантирмайди. Биласизми, вилоятимизда 214 та давлат таъминотидаги, 276 та хўжалик ва ташкилотлар ҳомийлигидаги боғчалар мавжуд. Айни вақтда хўжалик ва ташкилотларга қарашли бир ярим минг ўринли 80 та болалар боғчалари ижтимоий тақчиллик деган баҳоналар билан ёпиб қўйилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси маъмуриятини ташвишга солган асосий муаммолардан бири ҳам ана шу боғчалар билан боғлиқ масаладир.

—Болалар боғчалари жамоалари ишбилармонлик йўли билан нималардир яратиб, ўзларини молиявий жиҳатдан ҳимоялаб боришлари мумкинку? Бу борада ҳеч қандай чора-тадбир ишлаб чиқилганича йўқми?

—Худди ана шу хусусда вилоят халқ таълими бошқармаси маҳаллий шарт-шароитларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиққан ўз режасига эга. Ушбу режамизни вилоят ҳокимлиги ҳам маъқуллаган. Бунда асосан барча болалар боғчалари ихтиёрига жамоаларнинг имкониятларига қараб ер майдони ажратиб бериш кўзда тутилган. Бундай тадбир вилоятдаги кўплаб боғчаларда амалга оширилмоқда. Бу имкониятдан анчагина боғча жамоаси аъзолари унумли фойдаланмоқдалар.

Китоб туманидаги генераль Ш.Умаров номидаги жамоа хўжалигига қарашли «Юлдузча»болалар боғчаси (мудираси Д.Усмонова) хўжаликдан олган 7 гектар ердан даромад олиб, ёпилган боғчани қайта очди. Худди шу тумандаги «Қувонч» болалар боғчаси аҳли ўзларига берилган атиги бир гектар ҳосилдор ердан кўнгилдагидек фойдаланмоқдалар. Улар якунланган йилда 60 минг туп помидор ниҳоли етиштириб сотдилар. Кўплаб гул ва лимон кўчатларини сотиш мақсадида ўстирмоқдалар.

Бундай ишбилармон боғчалар қаторига Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Юлдузча», «Дилшод», «Олтин балиқча», «Ғунча», «Камолат», Нишон тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Лола», «Бойчечак», «Булбулча», Қарши тумани Ю.Хушвақтов номидаги жамоа хўжалигидаги «Навбаҳор» болалар боғчалари сингари кўплаб боғчаларни киритиш мумкин.

Савобли ташаббуснинг парвози юксак бўлади деганлари ҳақ гап экан. Вилоятимиздаги барча боғчалар юқоридагидек тадбиркорлик ва ишбилармонлик ишларини кун сайин янада тезкорлик билан йўлга қўймоқдалар.

Суҳбатдош Абдували ОБИДДИНОВ.

O'quvchi-talabalarning IV respublika spartakiadasi

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Андижон шаҳридаги энг яхши спорт базаларида икки ҳафта давомида республика ўқувчи-талабаларининг волейбол бўйича IV-спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Қизлар беллашувларида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон командалари иштирок этишди. Усмирлар мусобақаларида 13 та команда қатнашди (ҳужжатлари мандат комиссияси талаблари даражасида бўлмаган Тошкент вилояти командаси ўйиндан четлатилди).

Барча беллашувларда спорт маҳоратини намойиш этган Тошкентнинг қизлар командаси спартакиада ғолиби бўлди. Навоий ва Фарғона вилояти волейболчи қизлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Усмирлар беллашувида ҳам пойтахт вакиллари ғолибликни қўлга киритишди. Майдон эгалари — Андижон командаси иккинчи ўринни, фарғоналиклар учинчи ўринни олишди.

ИШОНЧ—ЮТУҚ ОМИЛИ

Спортнинг энг оммавий тури бўлган футбол мусобақалари 17 апрелдан 25 апрелгача Фарғона шаҳридаги «Тўқимачи» ва Нефтчилар спорт клуби ўйингоҳларида давом этди.

— Муросасиз курашлар остида ўтган саралаш мусобақаларида ҳам, ярим финал ва финал мусобақаларида ҳам маҳорат ва ғалабага бўлган ишонч командалар ютуғи омили бўлди, — дейди «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти футбол бўлими бошлиғи Бобур Ҳайдаров.

Футбол мусобақаси финал учрашувида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти командаси майдонга тушди. Қизиқарли ва муросасиз курашда пойтахт ёш футболчилари 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, спартакиада чемпиони бўлишди.

Командалар эгаллаган ўринлар қуйидагича:

1. Тошкент шаҳри. 2. Бухоро. 3. Наманган. 4. Самарқанд. 5. Фарғона. 6. Қорақалпоғистон Республикаси. 7. Хоразм. 8. Андижон. 9. Навоий. 10. Жиззах. 11. Тошкент вилояти. 12. Қашқадарё. 13. Сирдарё. 14. Сурхондарё.

КИМ УЗОҚҚА ОТАДИ?

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган камондан отиш мусобақаларида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Бухоро шаҳри командалари иштирок этишди. Усмирлар командалари баҳсида тошкентликлар спартакиада ғолиби бўлишди. Самарқанд вилояти иккинчи, Бухоро спортчилари учинчи ўринни эгаллашди. Қизлар командалари орасида Фарғона вилояти вакиллари спартакиада чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Бухороликлар иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Умумкоманда ҳисобида бухороликлар биринчи ўринни эгаллашди. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

Ғ. МАННОПОВ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Тожиев Зафар номига берилган 091268 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1997 йил 26 апрель сонининг учинчи саҳифасида берилган «Иншо мавзулари» сарлавҳали тавсиянинг боши «11-синфда «Узбек адабиёти» бўйича битириш имтиҳонлари иншо шаклида ўтказилади», деб ўқилсин.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6